

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657(575.1)

Мусаждонов Қобилжон Обиджон ўғли

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МАҚСАДЛИ
ТУШУМЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва
соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д. доц. Абдусаломова Н.Б.

Тошкент- 2021

Мазкур магистрлик диссертация ишида ракамли иктисодиёт шароити хўжалик юритувчи субъектларда хусусий капиталлар, хусусан унда максимал тушумлар ҳисобини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган, хориж тажрибалари чуқур ўрганилган ҳамда уни молия ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришга бўй-бичим илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

This master's dissertation explores the specifics of the formation of private capital in businesses in the digital economy, in particular, the calculation of tax revenues, in-depth study of foreign experience and scientific proposals and practical recommendations for its improvement on the basis of international financial reporting standards.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси дастлабки ҳимоядан ўтган:

« _____ » - сонли баённома « _____ » _____ 2021 йил.

Илмий раҳбар: доц. Н.Б. Абдусаломова



ИМЗО

25.06.

сана

Магистр: Қ.О. Мусажонов



ИМЗО

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
Мудир, проф. Абдусаломова Н.Б.

“ 25 ” июнь 2020 йил

Ҳимоя 2021 йил “29” июнь соат 14-00 да Тошкент давлат иқтисодий университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

Кириш

1-боб. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда мақсадли тушумлар ҳисобининг назарий-услубий асослари

1.1. Хўжалик юритувчи субъектларда хусусий капитал, унинг таснифи ҳамда ҳисобининг ўзига хос жиҳатлари

1.2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида мақсадли тушумларнинг таснифи, мақсади ва вазифалари

1.3. Хўжалик юритувчи субъектларда мақсадли тушумларнинг ҳисобининг назарий-услубий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асослари

1-боб бўйича хулоса

2-боб. Масъулияти чекланган жамиятларда мақсадли тушумлар ҳисобини ташкил қилиш амалиёти

2.1. Масъулияти чекланган жамиятларда мақсадли тушумлар ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

2.2. Масъулияти чекланган жамиятларда грандлар ва субсидиялар ҳисобининг амалий жиҳатлари

2.3. Масъулияти чекланган жамиятларда мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари ҳисоби ва унинг ўзига хос жиҳатлари

2-боб бўйича хулоса

3-боб. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида мақсадли тушумлар ҳисобини такомиллаштириш масалалари

3.1. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида мақсадли тушумлар ҳисобини ташкил қилишнинг хориж тажрибаси

3.2. Рақамли иқтисодиёт шароитида мақсадли тушумлар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари

3-боб бўйича хулоса

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш даврида мамлакатимиз иктисодиёт тармоқларининг изчил ривожланиб бормокда. Кейинги йилларда иктисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш, уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда қабул қилинаётган янги қонунлар, қарорлар, фармонларнинг ўрни бекиёс бўлмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “пандемия даврида иктисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.”¹

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иктисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да белгилаб қуйилган “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иктисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, жумладан экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иктисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш”² йўналиши бўйича олиб борилиши лозим бўлган устивор вазифалар билан бир қаторда субъектларга берилаётган имтиёзлар, субсидиялар ҳамда мақсадли йўналтирилган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларга доир ҳисоблашишларни тўғри олиб бориш муҳим аҳамият касб этмокда.

¹ <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.